

АБУ ХАНИФАГА НИСБАТ БЕРИЛГАН МАНОҚИБ ВА МУСНАД АСАРЛАРИНИНГ АНЪАНАЛАР ВА ХАНАФИЙ МАЗҲАБ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ

ЗНАЧЕНИЕ МАНАКИБОВ И МУСНАДОВ, ПРИПИСЫВАЕМЫХ АБУ ХАНИФЕ, В ИЗУЧЕНИИ ТРАДИЦИЙ И НАСЛЕДИЯ ХАНАФИТСКОГО МАЗХАБА

THE SIGNIFICANCE OF MANAKIB AND MUSNAD WORKS AT-TRIBUTED TO ABU HANIFA IN THE STUDY OF TRADITIONS AND THE LEGACY OF THE HANAFI SCHOOL

MATIBAYEVA Raziya Baltabayevna,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN
Doctor of Historical Sciences, Associate Professor of the
Department «Arabic Language and Literature al-Azhar»
r.matibaeva@gmail.com
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IIAU/2024/4/7

Аннотация. Мазкур мақолада Имом Абу Ханифа ҳаётига бағишланган манокіб ва муснад асарларининг урф-одатлар ва миллий қадриятларни сақлашдаги аҳамияти таҳлил этилган. Абу Ханифа ҳақидаги манокіб ва муснадларда унинг илм олиши, фазилатлари, ҳадислар эшитгани, фикҳий илмдаги ютуқлари ёритилган бўлиб, бу асарлар ҳанафий мазҳабининг шаклланиши ва унга ҳурмат шаклланишига ҳисса қўшган. Мақолада Абу Ханифа ҳақидаги илк давр, ўрта давр ва замонавий манокіблар келтирилган, уларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Манокіб асарлари Абу Ханифанинг шахсиятини ислом анъаналари асосида тасвирлаб, мусулмон жамиятидаги ижтимоий ва маънавий қадриятларни сақлашда муҳим ўрин тутган. Абу Ханифанинг қўшничилик, меҳмондўстлик, ҳурмат, бағрикенглик каби хислатлари ҳақидаги ҳикоятлар урф-одатларнинг аҳамиятини кўрсатиб, ушбу қадриятларнинг авлодлардан авлодларга ўтишида салмоқли ҳисса қўшган. Бу асарлар орқали ҳанафий мазҳабининг ҳаётга, жамият ва шахслараро муносабатларга таъсири кўрсатилган.

Тадқиқотда ҳанафий уламолар томонидан ёзилган манокіб ва муснадларнинг ислом одоб-ахлоқ қоидалари билан биргаликда аҳли сунна мазҳабининг ижтимоий ҳаётга татбиқ этилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Шунингдек, манокіб ва муснадлар фақат диний манба сифатида эмас, балки жамиятда урф-одатларни қўллаб-қувватловчи маънавий мерос сифатида ҳам қимматлидир. Асарларда келтирилган

маълумотлар ҳанафий мазҳабининг урф-одатларга нисбатан ёндашуви, унинг ижтимоий қадриятлар ва анъаналарга таъсири очиқ беради.

Ушбу мақолада ҳанафий мазҳабининг ўзига хос диний услублари, уларнинг аҳамияти ва жамият ҳаётидаги урф-одатларни сақлашдаги аҳамияти ҳақида хулосалар келтирилган. Тадқиқот ҳанафий манокіб ва муснадларнинг ижтимоий ҳаётга таъсири ва ушбу мазҳабнинг ислом илмлари тарихида тутган ўрни янада чуқурроқ тушунишга ёрдам беради.

Калит сўзлар: Абу Ханифа, манокіб, муснад, урф-одатлар, миллий қадриятлар, ислом анъаналари, ҳанафий мазҳаб, ижтимоий қадриятлар, ижтимоий ҳаёт, одоб-ахлоқ қоидалари.

Аннотация. Данная статья анализирует значение манакибов (житий) и муснадов (сборников хадисов), посвященных жизни имама Абу Ханифы, в сохранении традиций и национальных ценностей. Манакибы и муснады, повествующие об Абу Ханифе, освещают его обучение, достоинства, услышанные им хадисы, достижения в области фикха (исламского права). Эти произведения способствовали формированию ханафитского мазхаба и уважения к нему. В статье приводятся примеры манакибов о Абу Ханифе раннего, среднего и современного периодов, анализируются их особенности.

Манакибы, описывая личность Абу Ханифы на основе исламских традиций, играют важную роль в сохранении социальных и духовных ценностей в мусульманском обществе. Рассказы о таких качествах Абу Ханифы, как добрососедство, гостеприимство, уважение, терпимость, демонстрируют важность традиций и вносят весомый вклад в передачу этих ценностей из поколения в поколение. Благодаря этим произведениям раскрывается влияние ханафитского мазхаба на жизнь, общество и межличностные отношения.

В исследовании приводятся данные о социальном применении ханафитского мазхаба, наряду с исламскими нормами этики, основываясь на манакибах и муснадах, написанных ханафитскими учеными. Также подчеркивается, что манакибы и муснады ценны не только как религиозные источники, но и как духовное наследие, поддерживающее традиции в обществе. Приведенные в произведениях сведения раскрывают отношение ханафитского мазхаба к традициям, его влияние на социальные ценности и обычаи.

В данной статье представлены выводы об особенностях религиозных методов ханафитского мазхаба, их значении и роли в сохранении традиций в жизни общества. Исследование способствует более глубокому пониманию влияния ханафитских манакибов и муснадов на социальную жизнь и места этого мазхаба в истории исламских наук.

Ключевые слова: Абу Ханифа, манакибы, муснад, традиции, национальные ценности, исламские традиции, ханафитский мазхаб, социальные ценности, социальная жизнь, нормы этики.

Abstract. This article analyzes the significance of *Manakib* and *Musnad* works dedicated to the life of Imam Abu Hanifa in preserving traditions and national values. The *Manakib* and *Musnads* about Abu Hanifa highlight his pursuit of knowledge, virtues. Hearing hadiths, and achievements in *fiqh* (Islamic jurisprudence). These works contributed to the formation of the Hanafi school of thought and the respect it garnered. The article presents early, medieval, and contemporary *Manakib*, analyzing their unique characteristics.

Manakib works depict the personality of Abu Hanifa based on Islamic traditions, playing a crucial role in preserving social and spiritual values in Muslim society. Stories about Abu Hanifa's qualities like neighborliness, hospitality, respect, and tolerance demonstrate the importance of traditions and contribute significantly to the transmission of these values across generations. Through these works, the influence of the Hanafi school of thought on life, society, and interpersonal relationships is shown.

The research provides information on the implementation of the *Ahl al-Sunnah* school of thought in social life, along with the Islamic etiquette rules from *Manakib* and *Musnads* written by Hanafi scholars. Moreover, *Manakib* and *Musnads* are valuable not only as religious sources but also as a spiritual heritage that supports traditions in society. The information presented in these works reveals the Hanafi school's approach to traditions and its impact on social values and customs.

This article concludes with insights into the unique religious methods of the Hanafi school of thought, their significance, and their role in preserving traditions in society. The research helps to gain a deeper understanding of the impact of Hanafi *Manakib* and *Musnads* on social life and the position of this school of thought in the history of Islamic sciences.

Keywords: Abu Hanifa, *Manakib*, *Musnad*, traditions, national values, Islamic traditions, Hanafi school of thought, social values, social life, etiquette rules.

КИРИШ

Тарихий-биографик адабиётнинг ҳадис илми доирасида ривожланиши билан бир қаторда Абу Ҳанифа (ваф. 767 й.) ҳаётига бағишланган адабиётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши кузатилди. Мусулмон олимлари орасида Имом Абу Ҳанифага бағишланган асарлар жуда кўп ёзилган. Бу, албатта, аҳл-ҳадис ва турли рационалистик гуруҳлар ўртасида бўлиб ўтган кураш билан бевосита боғлиқ бўлган. Анъанавийчиларнинг даъвосига жавобан рационалистлар (аҳл ар-раъй) машҳур шахс атрофида бирлашишга мажбур бўлдилар. Бу мактабнинг асосчиси (эпоними) Абу Ҳанифа. Абу Ҳанифанинг Мовароуннаҳрдаги издошлари томонидан тузилган асарларида Абу Ҳанифа сиймосининг маҳаллий муҳитдаги вақт талаблари ўзгарганлиги аниқ кўрсатилган.

Маноқиб жанрида ёзилган асарларнинг аксариятида асар бағишланган шахс даражасини кўтариш мақсадида Муҳаммад томонидан билдирилган фикр ва муносабат келтирилган. Ҳанафий мазҳабида қалам тебратган манокібчиларнинг баъзилари Абу Ҳанифа ҳақида ҳадислар борлигини ва бу ҳадислар айнан Пайғамбар томонидан айтилганини исботловчи далиллар келтирган.

Абу Ҳанифага бағишланган манокібларда унинг насаби, туғилиши, илм олиши, фазилатлари ва устозлари кенг ёритилган. Айниқса, уни тобиийлардан бири эканлигини исботловчи далиллар – саҳобийлар билан учрашгани ва улардан ривоят қилган ҳадислар келтирилади (Димашқий, 1974:412), яъни манокібларда Абу Ҳанифанинг саҳобийлардан ҳадислар эшитгани алоҳида таъкидланади (Димашқий, 1974:49).

УСЛУБЛАР

Мазкур мақолада Абу Ҳанифа ҳаётига бағишланган манокіб ва муснад асарларининг тарихи ва аҳамияти ёритилган бўлиб, муаллиф тарихий услуб орқали уларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини таҳлил қилади. Ушбу асарлар орқали ҳанафий мазҳабининг шаклланиши ва унинг урф-одатларга таъсири тарихий ҳужжатлар асосида тушунтирилади. Таҳлилий услубда Абу Ҳанифа ва унга бағишланган асарларнинг мазмунини чуқур ўрганиб, ижтимоий қадриятларга ва жамият ҳаётига таъсири очиқ берилган. Ижтимоий услуб орқали урф-одатлар ва миллий қадриятларнинг сақланишига эътибор қаратилади, ҳанафий мазҳабининг ижтимоий қадриятларга таъсири намоён қилинади. Қиёслаш орқали Абу Ҳанифа ҳақидаги асарлар турли даврларга тақсимланиб, улар ўртасидаги фарқлар тушунтирилади, шу орқали унинг тасвиридаги ўзгаришлар таҳлил қилинган.

ТАҲЛИЛ

Абу Ҳанифанинг саҳобийлар билан учрашишига унинг 699 йил туғилганини далил қиладилар. Чунки энг кеч вафот этган саҳобийлар – Анас ибн Молик ва Жобир ибн Зайднинг вафоти 712 йилга тўғри келади (Маккий, 1981:27).

Абу Ҳанифа манокібини ўрганиш унинг ҳаётига бағишлаб ёзилган асарларни тарихийлик нуктаи назаридан қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкинлигини кўрсатади:

- илк давр манокіблари;

- ўрта давр манокіблари;
- замонавий манокіблар.

Абу Ҳанифа ҳақидаги *илк манокібларга* Закариё ибн Яҳё ибн Ҳорис Найсобурӣ (ваф. 910 й.), Ибн Салт (ваф. 855 й.), Таҳовийнинг (ваф. 933 й.) «Манокіб Аби Ҳанифа» номли асарлари, Ибн Каснинг (ваф. 935 й.) «Китоб ал-хисол» («Хислатлар китоби»), Ибн Уқданинг (ваф. 944 й.) «Ахбор Аби Ҳанифа ва муснадух» («Абу Ҳанифа хабарлари ва унинг муснад асари») ва Абдуллоҳ Устоз Ҳорисий Субазмунийнинг (ваф. 951 й.) «Кашф ал-осор фи манокіб Аби Ҳанифа» асарларини келтириш мумкин. Бу асарлар мазкур йўналишдаги илк манбалар бўлгани учун бўлимларга ажратилмаган. Улар Абу Ҳанифани холис ёритганлари ва бошқа манокібларга ўхшаб муболаға қилмаганлари учун кейинги олимлар танқид қилмадилар.

Абу Ҳанифа ҳақидаги *ўрта давр манокібларига* ал-Ҳоразмийнинг «Манокіб Аби Ҳанифа» асари киради. Ҳоразмий ҳам Имом Абу Ҳанифа шахсининг юксаклигини кўрсатиб бериш мақсадида иснодларга эга бўлган ҳадисларни келтиради.

Замонавий манокібларга Мустафо Шакъанинг «Имом Аъзам Абу Ҳанифа Нўъмон» (Шакъа, 1991:291) («Буюк имом Абу Ҳанифа Нўъмон»), Абу Заҳронинг «Абу Ҳанифа» (Заҳро, 1997:182), Муҳаммад Қосимнинг «Маконат имом Аби Ҳанифа байнал-муҳаддисин» (Қосим, 660) («Абу Ҳанифанинг муҳаддислар орасидаги мавқеи»), Ваҳбий Сулаймон Ғовжийнинг «Абу Ҳанифа Нўъмон имом аиммат ал-фуқаҳо» (Ғовжий, 1993:384) («Абу Ҳанифа Нўъмон – фақиҳ имомларининг имоми») каби асарларини келтириш мумкин.

Бу уч гуруҳнинг ҳар бири алоҳида аҳамиятга молик. Илк даврдаги асарларда асосан Абу Ҳанифанинг муҳаддислик фаолиятига [Муратов, 2008:20] эътибор берилган бўлса, кейинги асарларда унинг фикр илмидаги ўрнини кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган. Бу борада ўрта давр манокібларида Абу Ҳанифанинг саҳобийлар билан учрашгани ҳақидаги маълумотлар келтириб ўтилганлиги диққатга сазовордир (Димашқий, 1974:49).

Муаллифлар ўз асарларида ҳар бир амалда бирор ҳикмат бор деб, буларни кундалик ҳаётда учрайдиган воқеалар, урф-одатлар, ривоятлар мисолида тушунтириб, одамларга исломни сингдиришга ҳаракат қилдилар. Улар омма олдида чиқишлар уюштириб, саволларга маҳаллий халқ тилида жавоб берардилар. Ҳатто, бирмунча кейинги даврларда яратилган асарларда хурофий урф-одатлар, ирим-сирим масалалари муҳокамаси мавжудлиги маълум.

Абулмуайяд Ҳоразмийнинг «Манокіб Аби Ҳанифа» асарининг еттинчи бобида Абу Ҳанифанинг турли олимлар ва оддий кишилар билан бўлган мулоқотида бағишланиб (Маккий, 1981:27), унда олимнинг турли баҳсларда қўтарилган савол ва масалаларга ҳар томонлама мантиқийлик асосида бирданига ўйлаб ўтирмай жавоб бера олгани ёритилган. Шу ўринда бир ривоят келтирилади. Куфага қози қилиб тайинланган Ибн Абу Лайло мажнун, яъни ақли заиф бир аёлга нисбатан ҳукм чиқарган. Бу воқеада аёлнинг бир кишига: «сен зинокорларнинг ўғлисан», деб айтган сўзи учун қози унга иккита айб қўйган. Биринчиси, аёл у кишининг отасини ва иккинчиси, онасини ҳақорат қилганлиги учун уни дарра билан уриб жазолаш ҳукмини чиқарган. У аёлни тик турган ҳолда масжидда дарра урдириб жазолаган. Абу Ҳанифага бу ҳукми ва унинг ижро этилганини батафсил баён қилиб берганларида у қозининг қуйидаги олти нуқтада хато қилганини бирма-бир айтиб беради:

1. Қозининг ҳукми масжидда ижро этгани, чунки жазо масжидда қўлланилмайди.

2. Қози аёлни тик турган ҳолида жазолатгани. Аёлларга тик ҳолларида эмас, балки ўтирган ҳолларида дарра урилади.

3. Қозининг аёлга нисбатан иккита жазо тайин қилгани. Биринчиси, аёл кишининг отасини ҳақорат қилди, иккинчиси, аёл унинг онасини ҳақорат қилди, деб ҳукм чиқарган. Бу мутлақо хато. Чунки, бир хилда содир бўлган икки жинойтга битта жазо белгиланади.

4. Қози аёлга белгиланган иккита жазони бир-бирига қўшиб ижро этган. Айбланувчи бир жазодан енгиллашмагунича, унга иккинчи жазо татбиқ этилмайди.

5. Қози ақли заиф аёлни жазога ҳукм этган. Ваҳоланки, ақли заиф одамга жазо белгиланмайди.

6. Қози аёлни у кишининг ота-онасини ҳақорат қилган, деган хулосага келган. Ҳукм чиқарилган вақтда у кишининг ота-онаси қозига ҳақоратланганликлари ҳақида даъво билан мурожаат қилмаганлар ва ҳатто, маҳкамада иштирок ҳам этмаганлар. Бундай ҳолларда айбланувчига жазо тайин қилинмайди (Маккий, 1631:32).

Бу ота-онага бўлган ҳурмат, ҳозирги давргача миллий менталитетга мансуб асосий фазилатлардан ҳисобланган қадриятлар муаллиф яшаган даврда ҳам улуғланган, қозининг аёлни у кишининг ота-онасини ҳақорат қилган, деган хулосага келиб жазолашидан яққол кўринади.

Асарнинг 12-бобида Абу Ҳанифанинг қўшниларга нисбатан жуда меҳрибончилик билан

яхши муносабатда ибратли ҳикоялар мисолида келтирилган. Улардан бирида шундай ҳикоя қилинади:

«Абу Ҳанифа илм бобида қанчалик беназир бўлса, инсоний муносабатда ҳам тенгсиз эди. У одамларга ўта меҳрибон, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, оқибатли бир инсон эди. У Қуфада яшаган кезлари эрталабдан кечгача меҳнат қилиб, тун қоронғусида уйига қайтиб келадиган этикдўз кўшнисини бўлар эди. Этикдўз бозордан олиб келган гўшт ёки балиқни бир ўзи пиширар ва пишган овқатни еб, тўйгунича шароб ичар ва қўлига созини олиб, ҳиргойи қилар эди:

Мени йўқотдилар, эҳ, қандай йигитни йўқотдилар?!

Бунга унинг тўғри сўзлиги-ю ёмон кун сабаб.

У ушбу байтни уйқуси келгунча такрорлар ва сўнгра ухлаб қолар эди. Абу Ҳанифа тунда ибодат билан машғул бўлган вақтида маст кўшнисининг мунгли овозини доимо эшитар ва унга одатланиб қолган эди. Бир кун кечаси Абу Ҳанифа кўшнисининг овозини эшитмади ва хавотирланиб, уни суриштира бошлади. Кўшнилари этикдўзни миршаблар олиб кетиб, қамаб қўйганликларини айтдилар. Бу хабарни эшитган Абу Ҳанифа эртасигаёқ бомдод намозидан сўнг ҳаҷирини миниб, тўғри Куфа волийси саройига йўл солди ва қабул қилишига изн сўради. Волий девон ходимларига:

– Абу Ҳанифанинг киришига ижозат беринглар. Аммо унинг ҳаҷири гиламларни босиб ўтмагунча уни ҳаҷирдан туширманглар, – деди.

Девон ходимлари шундай қилдилар. Абу Ҳанифа қабулхонага киргач, волий ўрнидан турмасданок унинг қандай ҳождати борлигини сўради. Шунда Абу Ҳанифа:

– Менинг қосиб кўшним бор эди. Бир неча кун илгари миршаблар уни тутиб олиб кетишиб, қамаб қўйишибди. Уни бўшатиб юборишларига волийдан буйруқ беришларини сўрайман, – деди. Бунга эшитган волий дарҳол:

– Ўша тундан бери то шу кунга қадар ҳибсга олинганларни озод қилишларига амр қиламан, – деди. Дарҳақиқат, маҳбусларнинг ҳаммасини озод қилишди.

Қайтишда Абу Ҳанифа ҳаҷирига миниб олган ҳолда, кўшнисини эса унинг кетидан пиёда юра бошлади. Уйларига етиб келгач, ҳаҷирдан тушиб кўшнисига:

– Эй йигит, сени машаққатга қўйдик-ку (мен ҳаҷирда, сен эса пиёда юриб, азият чекдинг), – деди. Шунда йигит:

– Йўқ, йўқ. Кўшничилик ҳаққини адо этганингиз ва ҳақиқатни ҳимоя қилганингиз учун Аллоҳ хайрингизни берсин! – деб кўз ёши тўқди.

Шу воқеадан кейин Абу Ҳанифанинг қосиб кўшнисини тавба қилиб, ўтмиш ҳаёт тарзидан мутлақо воз кечди (Имом Аъзам, 13-14).

Мазкур ривоятдан Абу Ҳанифанинг мисолида миллий урф-одатларга мансуб бўлган қўшничилик қадриятини мисол қилиб келтирсак, унда кўшнилари ўртасида ўзаро ишонч, хабар олиш ва моддий ёрдам бериш миллий қадрият сифатида биринчи ўринга қўйилган. Маънавий мерос, маданий бойликлар, қўхна тарихий ёдгорликлар ҳаётини қадриятларнинг энг муҳим омиллари сифатида келтирилган. Ҳар бир қадриятнинг моҳияти ва аҳамияти табиат, жамият ва руҳий олам ҳодисаларини билиш, илмий умумлаштириш, ижтимоий ва маънавий тараққиётга таъсир этиш имкониятлари асосида белгиланади.

Қадриятлар халқнинг бебаҳо бойлиги, жамият, миллат, давлат тараққиётининг асосий омилларидан бири. Шундай экан, азал-азалдан минтақа халқларига хос бўлган миллий қиёфани шакллантирувчи мардлик, тантлиқ, меҳмондўстлик, саховатпешалиқ, ўзаро ҳурмат, биродарлик, бағри кенглиқ, меҳрибонлик каби бетақдор фазилатлар ҳар бир инсон томонидан амалда эъзозланиши, асраб-авайланиши, ижобий жиҳатлар қўшиб бойитилиши, ривожлантирилиши бахтли келажак учун энг муҳим шартдир.

Асарнинг 14-17 бобларида мазҳаббошининг саҳийлиги, жавонмардлиги, хушмуомалалилиги, олийжаноблиги, ота-она ва устозларига бўлган юксак амалий эҳтироми ҳамда олимга ҳасадгүй душманлари томонидан етказилган озорлар ва уларга ҳам яхши муомала билан жавоб бергани каби фазилатлари ёритилган. Бу фазилатлар ҳам минтақа халқларининг асрлардан асрларга ўтиб келаётган ўзи туғилиб ўсган она юртига – Ватанга муҳаббат, аждодлар хотирасига садоқат, меҳмонга, ўзидан катталарга эҳтиром, ўзидан кичикларга иззат-икром, айниқса ота-она, қариндош-уруғларга доимий беғараз ҳурмат ва хизмат кўрсатиш, бировнинг ҳақиқа, айниқса, етим-есирларнинг, қўшқўшнилари, ожиз-нотавонларнинг ҳақиқа ҳиёнат қилмаслик, орттирган мол-дунёсидан хайр-эҳсон қилиш, ҳар қандай шароитда ҳам ҳаё ва андиша сақлаш, аҳли аёли – оиласини асраб-авайлаш сингари жуда кўплаб инсоний фазилатлар қатори миллий қадриятларнинг асосини ташкил этади.

Х асрда Абу Ҳанифанинг маноқибига бўлган қизиқиш жуда ҳам ортганлигига тадқиқотчилар

Найсобурий, Ибн Салт, Таҳовий, Ибн Кос, Ибн Уқда ва Абдуллоҳ Устоз Ҳорисий асарларининг айна шу даврда ёзилганини далил қилиб келтирадilar (Duckinson, 1996:408.). Улардан Ибн Уқда ва Абдуллоҳ Ҳорисий бир вақтнинг ўзида Абу Ҳанифага оид манокіб билан бирга муснадни ҳам тўплаганлар. Ўша даврдаги манокібларнинг баъзилари бизгача тўлиқ етиб келмаган. Биография жанридаги энг дастлабки сақланиб қолган асар ас-Саймарийнинг «Ахбор Аби Ҳанифа ва асҳобиҳ» («Абу Ҳанифа ва унинг асҳоблари хабарлари») асари саналади (Duckinson, 1996:408).

А.Мўминов ўз илмий тадқиқотида Мовароуннаҳр фақиҳларининг «Абу Ҳанифа манокіби» жанрига бағишлаб ёзган 10 та асарини санаган (Муминов, 2015:19). Улар:

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абу Ҳафс Кабир Бухорий (ваф. 878 й.) «Китоб фи манокіб Аби Ҳанифа» («Абу Ҳанифа манокібларига оид китоб»), иккинчи номи «Зикр манокіб Аби Ҳанифа») асарини таълиф этган. Ушбу жанрда Шарқда биринчи муаллиф ҳисобланади. Бироқ бу асар бизгача етиб келмаган бўлса-да, баъзи асарларда ундан иқтибослар келтирилган.

2. Абулфазл Бакр ибн Муҳаммад ибн Али Заранжарийнинг «Манокіб Аби Ҳанифа» асари. Қорахонийлар даврида (992-1211 йй.) ниҳоят барча ўзига хос хусусиятларга эга бўлган манокіб Аби Ҳанифа жанрида шаклланган илк асар. У 11 фаслдан иборат бўлиб, Мовароуннаҳрда ёзилиб, ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган манокіб жанридаги энг дастлабки асардир. Ҳозиргача фақат иккита рўйхатда маълум бўлган ушбу муҳим асар ҳали нашр этилмаган.

3. Зоҳируддин Марғинонийнинг (ваф. 1203 й.) «Манокіб Аби Ҳанифа» (Bardakoğlu, 1994:145) асари. Ушбу асар ҳозирга қадар топилмаган.

4. Жоруллоҳ Замахшарийнинг (ваф. 1144 й.) «Шакоик Нуъмон фи манокіб Нуъмон» (Bardakoğlu, 1994:145) («Нуъмон манокібларига оид «Шакоик Нуъмон» (пионгул) гулидек чиройли китоб») асари. Бу асар йўқолган деб ҳисобланади.

5. Қорахонийлар даврининг яна бир вакили - Абдулғафур ибн Ҳусайн ибн Али Амлои (XII аср) нинг «Манокіб Аби Ҳанифа» асари (унинг 1587-1588 йили кўчирилган қўлёзма нусхаси сақланиб қолган) (Муминов, 2015:45).

6. Абулмуайяд Муваффақ ибн Аҳмад ибн Исроқ Маккий Хоразмий (ваф. 1172 й.) Хоразмда қатъиян анъанавий шаклда Абу Ҳанифанинг ўз даври учун энг тўлиқ таржимаи ҳолини – «Манокіб Аби Ҳанифа»ни тuzган.

7. Қорахонийлардан кейинги даврда – Марказий Осиё ва Яқин Шарқ ўртасида ягона маконнинг Буюк Салжукийлар (1038-1194) ташкил топиши ортидан - мўғуллар ҳукмронлиги остида яна ҳанафийлар ва шофеъийлар ўртасидаги баҳс-мунозаралар жонланди. Ушбу янги вазият натижасида Абу Ҳанифанинг шахси яна тортишувлар марказига айланган бир қатор асарлар пайдо бўлади. Ушбу асарлар қуйидагиларни ўз ичига олади: а) аноним рисола, одатда, Шамс Аимма Муҳаммад ибн Абд Саттару Кардарийга (ваф. 1244 й.) тегишли деб ҳисобланган, кўплаб нусхаларда сақланган. Ушбу асар ҳали аниқ таққосланмаган.

8. Садруддин Ҳорисийнинг (ваф. 1236-37 й.) «ал-Ибона фи-р-радд ало ман шаннаа ало Аби Ҳанифа» (Bardakoğlu, 1994:145) («Абу Ҳанифани ҳақорат қилганларни рад этишнинг баёни») асари Абу Ҳанифани ҳимоя қилиш мақсадида ёзилган бўлиб, олти бобдан иборат.

9. Абдулазиз ибн Аҳмад Бухорийнинг (ваф. 1329-30 й.) «ар-Рисала фи тахуъят Имом Ғаззолий Аба Ҳанифа» (Bardakoğlu, 1994:145) («Манокіб») рисоласида Абу Ҳанифанинг номаълум танқидчиси билан сиртдан баҳс юритади.

10. Олтин Ўрда (1226-1502 й.) ва Темурийлар давлати (1370-1506 й.) ўртасидаги устунлик учун курашнинг яна бир гувоҳи Ҳофизуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Шихоб Кардарий Базозийнинг (ваф. 1424 й.) асосан Хоразмийнинг «Манокіб»ига асосланиб ёзган янги асари «Манокіб Имом Аъзам» асари.

Юқоридаги 10 та асарнинг еттитаси бугунги кунгача сақланиб қолган. «Манокіб Аби Ҳанифа» жанридаги асарлар турли хил бой маълумотларни ўз ичига олади. Ушбу маълумотларга асосланиб шуни кўриш мумкинки, Мовароуннаҳрда Абу Ҳанифа шахсиятининг вақтга, ҳанафийларнинг ғоявий рақиблари билан курашиш хусусиятига қараб ўзгарганлигини кўрсатади. Айтиш мумкинки, унинг шахсияти ҳунармандлар, савдогарлар ва шаҳар аҳолисининг ўрта қатламининг бошқа вакиллари учун кундалик ҳаётда намуна бўлишга хизмат қилган. Бошқа томондан, ҳанафийларнинг ислом динининг дастлабки манбаларига нисбатан урф-одатлар тарафдорлари услублари ва ёндашувларини ўзлаштиришлари диққатга сазовордир. Ҳанафий уламолари томонидан ҳадисшунослик техникасини ўзлаштиришнинг кўплаб мисоллари келтирилган. Масалан, улар ўз устозларининг рўйхатларини тузиб, уларнинг номидан ҳадислар нақл қилдилар (TDVI Ansiklopedisi, 1992:114).

Мовароуннахрдаги маноқиб жанрида ёзилган илк асарлардан яна бири Абу Муҳаммад Абдуллох ибн Муҳаммад Субазмунийнинг қаламига мансуб «Кашф ал-осор фи маноқиб Аби Ҳанифа» («Абу Ҳанифа маноқиб бўйича ёдгорликларни кашф қилиш») китоби ҳисобланади (Субазмуний, 3105).

Абдуллох Субазмуний (ваф. 952 й.) Бухорода туғилган ва Абулмуайяд Хоразмийдан бир аср олдин яшаган, ислом илмлари, хусусан ҳадис ва фикҳ илмлари ривоятига катта ҳисса қўшган. У Абу Ҳанифа ҳаёти ва ижодини атрофлича ёритган алломалардан саналади.

Абдуллох Субазмуний «Кашф ал-осор» асарида асосан Абу Ҳанифанинг фаолиятига оид ривоятлар ва унинг турли ақидавий гуруҳларга қарши билдирган эътирозлари ва далиллари ва бошқа урф-одатлар матнлари ўрин олган. Асарда, шунингдек, муаллиф томанидан Абу Ҳанифанининг Қуръони карим, ҳадис, қиёс ва раъйга таяниб фаолият олиб боргани акс этган (Муратов, 2008:20).

Абдуллох Субазмуний асарининг эътиборга молик томонларидан бири унда Абу Ҳанифанинг фикҳ илмининг билимдони, етук муҳаддис сифатида ҳар тамонлама кенг ёритилганидир. «Кашф ал-осор» асарида Абу Ҳанифанинг устоз ва шогирдлари хусусида тўхтаб ўтилган ҳамда «тўққиз юз тўртта шогирдидан ривоятлар келтирилган», Д.Муратовнинг фикрича, «уларнинг барчаси ҳам шогирд эмас, балки улар орасида унинг замондошлари ва ҳамфикр дўстлари ҳам бўлган» (Муратов, 2008:21).

« كشف الآثار » ханафий мазҳабида оид ва ханафий дунёсининг барча минтақаларида маълум асарлардан бўлиб, ўзининг ҳажми, ривоятларнинг бойлиги ва услуби жиҳатидан анча мукаммал ёзилган (Субазмуний, 54а). Мазкур асарда ҳадислар, шунингдек Абу Ҳанифа ва унга яқин бўлган кишиларнинг ривоятлари ва таржимойи ҳоллари келтирилган. Таржимаи ҳоллар ҳудудий асосда жойлаштирилган. Абдуллох Субазмунийнинг асари муснад услубида ёзилгани боис (Субазмуний, 54а), Хоразмийнинг бобларга ажратилган асарида фарқ қилади. Шу сабабли Д.Муратов Абдуллох Субазмунийнинг асарини ҳадис тўпламларидан бири эканини алоҳида таъкидлаган (Муратов, 2008:14-16). А.Мўминов ҳам бу фикрни маъқулагани сабабли асарни маноқиблар сирасига киритмаган, деб ҳисоблаш мумкин (Мўминов, 2015:45).

Васлий Самарқандий таҳаллуси билан машҳур бўлган Саййид Аҳмад усто Азим ўғли (ваф. 1925 й.) томонидан ўзбек тилида ёзилган «Имоми Аъзам ҳаёти ҳақида қимматли сўзлар» асари Ўрта Осиёда

«Маноқиб Аби Ҳанифа» жанрида ёзилган сўнгги асарлардандир (Нажмуддинов, 2005:163). Китобдаги Васлий ас-Самарқандий келтирган маълумотлар таҳлил қилинганда, муаллиф кўп ўринларда Хоразмий ва Кардарийнинг «Маноқиб»ларидан фойдалангани яққол кўзга ташланади (Нажмуддинов, 2005:163). Келтирилган асарлар орқали Марказий Осиёда фаолият олиб борган турли олимлар ва уларнинг фазилятлари тавсифида шу даврлардаги урф-одатлар, анъаналар ҳақидаги маълумотларга эга бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ханафий мазҳаби олимлари Абу Ҳанифа ҳақида кўплаб асарлар ёзганлар. Уларнинг баъзилари ўз асарларини муснад услубида ёзган бўлсалар, баъзилари бобларга бўлиб таълиф этганлар. Баъзи асарларда Абу Ҳанифа ҳақида тўқима ҳадислар мавжуд бўлса, бошқаларида бу ҳадислар келтирилмаган. Айтиш жоизки, баъзиларида мазкур тўқима ҳадислар танқид ҳам қилинган. Демак, ханафий мазҳаби маноқибчи олимлари ўзларининг ишларига танқидий ёндашиб, Абу Ҳанифа фаолиятини имкон қадар ҳар томонлама таҳлил қилишга ҳаракат қилганлар. Улар Абу Ҳанифани факих, муҳаддис, зохид, такводор, обид каби сифатларини очиб бериб, ўз мазҳаббошиларининг нафақат йирик олим, балки етук инсон эканини ҳам кўрсатганлар.

«Маноқиб Аби Ҳанифа» асарлари ўлка маънавияти тарихига оид қимматбаҳо илмий мерос эканлигини, чунки, у Мовароуннахрдан чиққан ва ислом илмлари ривожига катта ҳисса қўшган юзлаб олимлар ва улар қолдирган асарлар ҳақида кенг маълумотларни ўзида мужассам этганлигини айтиш мумкин. Шунингдек, асарларда келган ривоятлар минтақада Имом Абу Ҳанифа ва ханафийлик мазҳабида ҳурматнинг нақадар баланд бўлганини кўрсатган.

«مسند أبي حنيفة» Муснад Абу Ҳанифа - машҳур мусулмон ҳуқуқшунос ва илоҳиётшунос Имом Абу Ҳанифадан ривоят қилинган ҳадисларни ўз ичига олган 15га яқин ҳадислар тўпламининг умумий номи.

Имом Шофеъийнинг «Муснади» каби Абу Ҳанифанинг «Муснади» ҳам Абу Ҳанифанинг ўзи томонидан эмас, балки шогирдлари ва уларнинг кейинги издошлари томонидан тузилган. Ушбу китобларга ҳадисларни киритиш мезонлари бу ҳадисларнинг иснадида (узатувчилар занжирида) Абу Ҳанифанинг борлиги, яъни бу ҳадисларни шахсан устозлари ва шайхларидан нақл қилиши эди.

Ханафий уламолар Абу Ҳанифанинг ҳадис илмида ҳам илми юқори даражада бўлганини

кўрсатадилар. Абу Ҳанифанинг ҳадис илмидаги салоҳиятини юқори баҳолаган муҳаддис Исроил ибн Юнус: «Нўъмон қандай яхши киши, ҳар қандай ҳадисни ёд олса, яхши тушуниб оларди, кучли тадқиқ қиларди ҳамда фикҳий томонларини билмасдан қўймасди», – дейди (Сарахсий, 35). Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий Имомга «аҳлу-р-раъй» («раъй аҳллари») дейилиши хусусида шундай дейди: «Абу Ҳанифанинг раъйи деб айтманглар, балки ҳадиснинг тафсири, деб айтинглар» (Субазмуний, 227).

Ҳанафий мазҳаби олимлари ўзларининг ҳадис китобларида асосан ўз мазҳаблари доирасида ишлатиладиган ҳадисларни жамладилар. Мана шундай ҳадис китобларидан бири Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Субазмуний ал-Бухорийнинг «كشف الآثار في مناقب أبي حنيفة» («Кашф аш-шайъи фи манакб аби Ҳанифа» (Субазмуний, 227). Бу асарнинг ҳадислари кейинчалик ўн беш муснаддан ҳадисларни жамлаган Абулмуайяд Муҳаммад ибн Маҳмуд Хоразмийнинг (593-665 й.) китоби «Жомеъ ал-масонид»га танлаб олинган. Ушбу асарда Абул-Муайяд: «Шомда «Муснад»нинг миқдорини камайтириб кўрсатиб, бошқа асарларнинг эса қадрини юқори кўрсатаётган баъзибир кишиларни кўрдим.

Абу Ҳанифа кам ҳадис ривоят қилган, Имом Шофеъийнинг «Муснад»и ва Имом Молиқнинг «Муваддо»си («Осон қилинган») каби ҳадислар келтирилган «Муснад»и йўқ, деб даъво қилганлар ҳам бўлди. Шунда менинг ғайратим келиб, ҳадис уламолари тўплаган 15 та муснадни бирлаштиришга бел боғладим. Булар:

1. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Ҳорис Ҳорисий Бухорий (Абу Абдуллоҳ Устоз номи билан танилган, ваф. 952 й.) «كشف الآثار» («Ёдгорликларни кашф қилиш»);
2. Абулқосим Талха ибн Муҳаммад ибн Жаъфар Шохид Адл (ваф. 990-91 й.);
3. Абулхайр Муҳаммад ибн Музаффар ибн Мусо ибн Исо ибн Муҳаммад (ваф. 989 й.);
4. Абу Наим Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад Исфохоний (ваф. 1012 й.);
5. Абу Бакр Муҳаммад ибн Абд Боқий ибн Муҳаммад Ансорий (ваф. 1141 й.);
6. Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Адий Журжоний;
7. Ҳасан ибн Зиёд Луълуъий (ваф. 819-20 й.);
8. Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Холид ибн Халий Килоий;
9. Умар ибн Ҳасан Ашноний;
10. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Хисрав Балхий (ваф. 1181 й.);
11. Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим (ваф. 798 й.) «Муснад Аби Ҳанифа фи нусхат Аби Юсуф»

(«Абу Юсуф нусхасидаги Абу Ҳанифа манокиби» таржимаси);

12. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний (ваф. 804-5 й.) «مسند أبي حنيفة في نسخة محمد» «Муснад Аби Ҳанифа фи нусхат Муҳаммад» («Муҳаммад нусхасидаги Абу Ҳанифа манокиби»);

13. яна Муҳаммад ибн Ҳасаннинг Шайбоний «الآثار» («Осорлар»);

14. Абу Ҳанифанинг ўғли Ҳаммод (ваф. 786-87 й.);

15. Абулқосим Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абулаввон Сугдийларнинг «Муснад»лари ҳисобланади [Али Кари, 1995:6630].

Абулмуайяд Хоразмий: «Бу муснад китобини фикҳ боблари бўйича чиқардим. Такрорларини ва иснодини тушириб, фақат ҳадиснинг ўзини қолдирдим», - дейди.

Албатта, ҳанафий муҳаддислар юқоридаги ўн беш муснад билан чекланиб қолмаганлар. Балки, турли ҳадис китобларини ёзганлар. Улар доимо ўз мазҳабларида ишлатадиган ва ҳужжат қилиб оладиган ҳадисларининг саҳиҳ - ишончли эканини ва бу ҳадисларнинг иснодлари Муҳаммадга узлуксиз етиб боришини кўрсатиб берганлар. Айниқса, Зафар Аҳмад Усманий Таҳонавий (ваф. 1974 й.) томонидан «Иъло ас-сунан» («Суннатни баланд қилиш») китоби ёзилган ва унда ҳанафий мазҳабида ишлатиладиган деярли барча ҳадислар жамланган ҳамда уларга шарҳ битилган ва у икки қисмдан иборат - бири ҳадисларни шарҳлаш, иккинчиси ҳадис ва фикҳ илмларини ёритишга бағишланган. Бу китоб ҳам ҳанафийларнинг ҳадислардаги «эҳтиётсизлиги»ни ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилган. Асарнинг «муқаддима»си уч қисмга бўлинган:

- биринчисида улум ал-ҳадисда учрайдиган турли ихтилофлар ва уларда муҳаддисларнинг ўрни кўрсатиб ўтилган.

- иккинчисида фикҳ илмларида учрайдиган турли ихтилофлар, бошқа мазҳабларнинг бир фикрга турлича ёндашгани ва бунда ҳанафийларнинг ўрни кўрсатиб берилган.

- учинчисида ҳанафий олимларидан чиққан муҳаддисларнинг таржимаи ҳоллари ва ёзган асарлари келтирилган.

Умуман, «Иъло ас-сунан» муқаддимасида ҳанафийлар ҳадис ҳамда фикҳда ишлатадиган услублари умумий маънода худди бошқа мазҳаблардагидек ўрин эгаллаши кўрсатиб берилган.

Илк муҳаддисларнинг ҳаёти тимсолида ўша даврда турли гуруҳлар ўртасидаги кечган курашларни кўриш мумкин. XI-XII асрларда минтақада «الاحاديث الصحيحة» («Саҳиҳ ҳадислар») халқ орасида кенг

муомалада эди. Масалан, Самарқанднинг «Работ ал-мурабба» деган жойида ҳадис имло қилган муҳаддис Абус Самсом Зулфиқор ибн Муҳаммад Ҳасаний ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади:

«Ким бир одамни ҳидоятга чақирса, унга эргашган одам каби савобга эга бўлади, унинг савоби ҳеч қанча камаймайди. Ким бировни залолатга бошласа, гуноҳда унга эргашган одам каби бўлади, унинг гуноҳи ҳам ҳеч камаймайди».

Ҳадислар орасида қариндош-уруғчилик, силаи раҳм мавзуси долзарб ҳисобланарди. Жумладан, Самарқандда яшаган Абул Фадл Зиёд ибн Муҳаммад ал-Хўжандий ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади:

«Кимки менга бир нарсага кафолат берса, мен унга тўрт нарсага кафолат бераман: силаи раҳмни бардавом қилса (қариндош-уруғчиликни маҳкам тутса), оиласи уни яхши кўради, ризқи кенг бўлади, умри узок бўлади, Аллоҳ таоло ўзи ваъда қилган жаннатига киритади».

Ота-онага яхшилик қилиш, уларни норози қилмаслик мавзудаги ҳадислар барча замонлардаги каби ўша даврда ҳам долзарб ҳисобланган. Абул Маҳсин Салмон ибн Али Балхий куйидаги ҳадисни ривоят қилади:

«Агар ота-онага оқ бўлиш учун «уф» дан кўра ёмонроқ сўз бўлганида Аллоҳ уни ҳаром қилган бўлар эди. Оқ бўлган киши хоҳлаган амалини қилсин, ҳеч қачон жаннатга кирмайди. Солиҳ фарзанд хоҳлаган ишини қилсин, ҳеч қачон дўзахга кирмайди».

Ҳадиси шарифда қайд этилган «Кимки Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, меҳмонини икром қилсин», деган тамойилга амал қилиш аждодларимиздан бизга етиб келган гўзал анъана ҳисобланади. Халқимиз меҳмондўстлиги оламга машхур. Дунёда ўзидан-да меҳмонини иззат қиладиган кам сонли миллатлардан бири. Ўзбек хонадонларида ҳамиша тўсатдан келиб қоладиган меҳмон учун захира ҳозирланган. Агар ундай имкон бўлмаса, қўшнидан ёрдам олиб бўлса-да меҳмонга таом ҳозирланган. Бу эса меҳмондўстлик миллий ва диний қадриятлар уйғунлигининг ёрқин ифодасидир. Шу сабаб ўлкамизга ташриф буюрган сайёҳлар қадим-қадимдан бу ердаги гўзал урф-одатларга мафтун бўлган.

Ўз эҳтиёжидан бошқалар эҳтиёжини устун қўювчилар Қуръони каримда малҳ қилинган. Мазкур оятда «ийсор қилувчилар» (Qur'on, 2018:9) мақталади. «Ийсор» сўзи араб тилидан таржима қилинганда устун қўйиш маъносини англатади. Яъни, ўз эҳтиёжидан бошқалар эҳтиёжини юқори

қўйиб, нафсини бахилликдан сақлаган кимсалар нажотга эришиши баён қилинган. Бу эса гўзал исломий қадриятлардан бири саналади. Бу ўтган Пайғамбарлар, авлиёлар, улуғ мутафаккирлар, буюк алломаларга хос бўлган юксак фазилат. Ўзбекистонда ҳали ҳануз мазкур фазилат кўзга ташланади. Емай едириш, киймай кийдириш каби ҳислатлари билан меҳмон, мусофир, кекса, қўшни, қариндош, бола, етим-есир, бева-бечорани эъзозлаган юртимиз замини қадим-қадимдан файзу баракага бой ўлка сифатида довруқ қозонди. Мазкур қадриятлар Янги Ўзбекистонни барпо қилишда ҳаётимиз кўркига айланиб, Учинчи Ренессанс пойдевори учун тамал тоши бўлиб хизмат қилмоқда. Устозлар, ота-оналар, зиёлилар ўзаро чамбарчарс боғланиб кетган миллий ва диний қадриятларимиз моҳиятини халқимизга, айниқса, ёш авлодга етказишлари бутуннинг долзарб вазифасидир.

Олим яшаган даврда ҳадислар халқ орасида одоб-ахлоқ, ота-онага ҳурмат, инсонпарварлик, ҳолислик, меҳмондўстлик каби ҳислатларни тарбияловчи бой маънавий манба вазифасини бажаргани кўринади.

ХУЛОСА

Абу Ҳанифа шариат ҳукмларини чиқаришда Қуръон ва Суннатга асосланган ўзига хос илмий усул яратган. Унинг раъй ва қиёс мактаби ислом ҳуқуқининг асосий манбаи бўлиб, унинг ақидавий қарашлари аҳли сунна уламоларига таянган. Абу Ҳанифа юқори илмий даражага эришган бўлиб, унинг устозлари ва ҳаёт тажрибалари дунёқарашини шакллантирган.

Тарихий маноқиб асарлари унинг насаби, туғилиши, илм олиши ва фазилатларини ёритиб, ҳанафий мазҳабининг аҳамиятини кўрсатади. Ҳанафий уламолар маноқиблар орқали уни фақат диний олим сифатида эмас, балки ижтимоий қадриятларни сақлашга хизмат қилувчи шахс сифатида тасвирлашган. «Маноқиб Аби Ҳанифа» асарлари минтақада ҳанафийликнинг тарихий аҳамияти ва юқори қадрланишини кўрсатади.

Қўшимча қилиб айтиш мумкинки, Абу Ҳанифа маноқиблари ва муснадлари нафақат диний, балки маданий ва ижтимоий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, улар орқали ҳанафий мазҳабининг урф-одатлар ва миллий қадриятларга қандай таъсир ўтказгани очиқ берилган. Маноқиблар унинг ижтимоий ҳаётга, қўшничилик муносабатларига, меҳмондўстлик, ҳурмат, бағрикенглик каби инсоний ҳислатларга бўлган эҳтиромини акс эттиради.

Абу Ҳанифага бағишланган асарлар

мусулмон жамиятидаги маънавий қадриятларни мустақамлашга хизмат қилиб, улар орқали ҳанафий мазҳабининг қадриятларга нисбатан мулоҳазали ёндошуви ва ижтимоий ҳаётга таъсири ёритилган. Бу асарлар Абу Ҳанифанинг таълимотлари ва шахсият орқали ҳанафийликнинг аҳамиятини кўрсатиб, келгуси авлодларга қадриятларни сақлаб қолишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Abdulloh Subazmuniy. Kashf al-osor fi manoqib Abi Hanifa. O'zR FASHI. Qo'lyozmalar fondi. № 3105.
2. Abu Bakr Muhammad ibn Ahmad Saraxsiy (2001). Al-Mabsut. – Bayrut: Doru-l-kutub al-ilmiya. – T. 1. – 425 b.
3. Abu Muhammad Abdulloh ibn Muhammad Subazmuniy. Kashf al-osor fi manoqib Abi Hanifa. O'zR FA Sharqshunoslik instituti qo'lyozmalar fondi. – Qo'lyozma № 3105. – 256 v.
4. Abul-Muayyad Xorazmiy (1980). Al-Jomi' al-masonid. – Bayrut: Doru-l-kutub al-ilmiya.
5. Abul-Muayyad Xorazmiy. Al-Jomi' al-masonid. – O'zbekiston Respublikasi FA Sharqshunoslik instituti qo'lyozmalar fondi. Inv. № 5120. – 286v.
6. Abul-Muayyad Xorazmiy. Al-Jomi' al-masonid. – O'zRFA ShI qo'lyozmalar fondi. – Inv. № 4815. – 270v.
7. Abulmuayyad Muvaffaq ibn Amad Makkiy. Manoqib Abi Hanifa. Sulaymaniya, Veliyuddin Carullah Efendi 1631. L. 1b-192b.
8. Ali Bardakoğlu (1994). Ebû Hanife. Literatür // Türkiye Diyanat Vakfı İslâm Ansiklopedisi. – Cilt 10. – İstanbul. – B. 145.
9. Ali Kari / Xalil' Muxyiddin al'-Mays (1995). Vstuplenie // Kommentariy k Musnadu Abu Xanifi ىب ادن سم حرش - Dar al'-kutub al'-ilmiya. – 630 s.
10. Duckinson E. (1996) Ahmad b. Al-Salt and his biography of Abu Hanifa // Journal of the American Oriental Society, Vol. 116, № 3 (Jul. – Sep.), – P. 408.
11. GAL I, s. 225; Sezgin. Geschichte. – T. I. S. – 411; Ahmet Özel. Bezzâî / 30.
12. GAL SB I, s. 549, 642; Sezgin. Geschichte. – T. I. – S. 411. Asar nashr etilgan.
13. GAL, T. I, S. 381; GAS, T. I, S. 411, 474; Islam ansiklopedisi, T. VI, B. 114.
14. Imomi A'zam asarlari. – B. 13-14.
15. Matibaeva R.B. (2009) «Abu-l-Muayyad al-Makkiy al-Xorazmiyning «Manoqib Abi Hanifa» asari hanafiylik bo'yicha nodir manba». Tar. fan. nomz. dis. ... – T.: “Toshkent islom universiteti” nashriyot-matbaa birlashmasi, 26 b.
16. Meier, Fritz (1989). Der unbekannte sshriftsteller al-Muwaffaq al-Hāṣī // Der Islam. 66. – S. 329–330.
17. Muminov A.K. (2015) Xanafitskiy mazhab v istorii Sentral'noy Azii / pod redaksiye S.M.Prozorova. – Almati: Qazaq ensiklopediyasi. – S. 19.
18. Muratov D. (2007) «Kashf al-osor» asarida Abu Hanifa siymosi // Toshkent islom universiteti Ilmiy tahliliy axboroti. – № 3. – B. 54.
19. Muratov D. (2008) Abdulloh as-Subazmuniyning “Kashf al-osor” asari hadis ilmiga oid manba. Tar. fan. nomz. dis. ... avtoref. – T.: Toshkent islom universiteti. – B. 20.
20. Mustafo Shak'a (1991). Imom A'zam Abu Hanifa Nu'mon. – Qohira: Doru-l-kutub al-misriy. – 291 b.
21. Muhammad Abu Zahro (1997). Abu Hanifa, hayotuhu va asruhu, orouhu va fiqhuhu. – Qohira: Doru-l-fikr al-islomiy. – B. 182.
22. Muhammad Qosim. Makonat imom Abi Hanifa. – 660 B.
23. Najmuddinov Z. (2005) Vasliy as-Samarqandiyning «al-Kalom al-afham» asari «Manoqib Abi Hanifa» janrining O'rta Osiyodagi so'nggi namunasi // Akademik Ubaydulla Karimov nomidagi yosh sharqshunoslar ilmiy konferensiyasi tezislari. – Toshkent. – B. 163.
24. Qo'lyozma Selimağa 538/IV, l. 207a–210a; Sezgin. Geschichte. – T. I. – S. 412.
25. Qo'lyozma Süleymaniye kütüphanesi, Ibrahim Efendi 860/XIX, l. 63b–65a.
26. Qo'lyozma Süleymaniye kütüphanesi, Şehid Ali Paşa 1567/III, l. 167b–174b.
27. Qur'oni karim ma'nolarining tarjima va tafsiri (2018). Tarjima va tafsir muallifi Shayx Abdulaziz Mansur. – T.: O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi.
28. Shamsuddin Muhammad ibn Yusuf Shofe'iy Dimashqiy (1974). Uqud al-ju'mon fi manoqib al-Imom al-A'zam Abi Hanifa an-Nu'mon. – Haydarobod: Al-Maorif ash-sharqiya. – 412 b.
29. Schacht J. (1910) A list of the published Mohamedan inscriptions of India. – Supdt. Govt. Printing.
30. Schacht J. An Introduction to Islamic Law (1983). – Oxford University Press.
31. Schacht J. Legacy of Islam (1964). – Oxford University Press; 2nd edition, 1979; Horovitz J. Jewish proper names and derivatives in the Koran. – Olms.
32. Tahonaviy Zafar Ahmad (1997). Muqaddamot i'loi-sunan. J. 21. – Bayrut: Doru-l-kutub al-ilmiya.
33. Türkiye Diyanat Vakfı İslâm Ansiklopedisi (1992). – Cilt 6. – İstanbul. – S. 114.
34. Vahbiy Sulaymon G'ovjiy (1993). Abu Hanifa an-Nu'mon. Imomu al-aimma al-fuqaho. – Dimashq. – 384 b.

REFERENCES:

1. Abdulloh Subazmuniy. Kashf al-osor fi manoqib Abi Hanifa. O'zR FA ShI. Qo'lyozmalar fondi. № 3105.
2. Abu Bakr Muhammad ibn Ahmad Saraxsiy (2001). Al-Mabsut. – Bayrut: Doru-l-kutub al-ilmiya. – T. 1. – 425 b.
3. Abu Muhammad Abdulloh ibn Muhammad Subazmuniy. Kashf al-osor fi manoqib Abi Hanifa. O'zR FA Sharqshunoslik instituti qo'lyozmalar fondi. – Qo'lyozma № 3105. – 256 v.
4. Abul-Muayyad Xorazmiy (1980). Al-Jomi' al-masonid. – Bayrut: Doru-l-kutub al-ilmiya.
5. Abul-Muayyad Xorazmiy. Al-Jomi' al-masonid. –

- O'zbekiston Respublikasi FA Sharqshunoslik instituti qo'lyozmalar fondi. Inv. № 5120. – 286v.
6. Abul-Muayyad Xorazmiy. Al-Jomi' al-masonid. – O'zRFA SHI qo'lyozmalar fondi. – Inv. № 4815. – 270v.
 7. Abulmuayyad Muvaffaq ibn Amad Makkiy. Manaqib Abi Hanifa. Sulaymaniya, Veliyuddin Carullah Efendi 1631. L. 1b-192b.
 8. Ali Bardakoğlu (1994). Ebû Hanife. Literatür // Türkiye Diyanat Vakfı İslâm Ansiklopedisi. – Cilt 10. – İstanbul. – B. 145.
 9. Ali Kari / Xalil' Muxyiddin al'-Mays (1995). Vstuplenie // Kommentariy k Musnadu Abu Xanifi يبا دن سم حرش - فني ح - Dar al'-kutub al'-ilmiya. – 630 s.
 10. Duckinson E. (1996) Ahmad b. Al-Salt and his biography of Abu Hanifa // Journal of the American Oriental Society, Vol. 116, № 3 (Jul. – Sep.), – P. 408.
 11. GAL I, s. 225; Sezgin. Geschichte. – T. I. S. – 411; Ahmet Özel. Bezzâzî / 30.
 12. GAL SB I, s. 549, 642; Sezgin. Geschichte. – T. I. – S. 411. Asar nashr etilgan.
 13. GAL, T. I, S. 381; GAS, T. I, S. 411, 474; Islam ansiklopedisi, T. VI, B. 114.
 14. Imomi A'zam asarlari. – B. 13-14.
 15. Matibaeva R.B. (2009) «Abu-l-Muayyad al-Makkiy al-Xorazmiyning «Manoqib Abi Hanifa» asari hanafiylik bo'yicha nodir manba». Tar. fan. nomz. dis. ... – T.: “Toshkent islom universiteti” nashriyot-matbaa birlashmasi, 26 b.
 16. Meier, Fritz (1989). Der unbekannte sshriftsteller al-Muwaffaq al-Hāṣī // Der Islam. 66. – S. 329–330.
 17. Muminov A.K. (2015) Xanafitskiy mazhab v istorii Sentral'noy Azii / pod redaksiyey S.M.Prozorova. – Almati: Qazaq ensiklopediyasi. – S. 19.
 18. Muratov D. (2007) «Kashf al-osor» asarida Abu Hanifa siymosi // Toshkent islom universiteti Ilmiy tahliliy axboroti. – № 3. – B. 54.
 19. Muratov D. (2008) Abdulloh as-Subazmuniyning “Kashf al-osor” asari hadis ilmiga oid manba. Tar. fan. nomz. dis. ... avtoref. – T.: Toshkent islom universiteti. – B. 20.
 20. Mustafu Shak'a (1991). Imom A'zam Abu Hanifa Nu'mon. – Qohira: Doru-l-kutub al-misriy. – 291 b.
 21. Muhammad Abu Zahro (1997). Abu Hanifa, hayotuhu va asruhu, oruhu va fiqhuhu. – Qohira: Doru-l-fikr al-islomiy. – B. 182.
 22. Muhammad Qosim. Makonat imom Abi Hanifa. – 660 B.
 23. Najmuddinov Z. (2005) Vasliy as-Samarqandiyning «al-Kalom al-afham» asari «Manoqib Abi Hanifa» janrining O'rta Osiyodagi so'nggi namunasi // Akademik Ubaydulla Karimov nomidagi yosh sharqshunoslar ilmiy konferensiyasi tezislari. – Toshkent. – B. 163.
 24. Qo'lyozma Selimağa 538/IV, l. 207a–210a; Sezgin. Geschichte. – T. I. – S. 412.
 25. Qo'lyozma Süleymaniye kütüphanesi, Ibrahim Efendi 860/XIX, l. 63b–65a.
 26. Qo'lyozma Süleymaniye kütüphanesi, Şehid Ali Paşa 1567/III, l. 167b–174b.
 27. Qur'oni karim ma'nolarining tarjima va tafsiri (2018). Tarjima va tafsir muallifi Shayx Abdulaziz Mansur. - T.: O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi.
 28. Shamsuddin Muhammad ibn Yusuf Shofe'iy Dimashqiy (1974). Uqud al-ju'mon fi manoqib al-Imom al-A'zam Abi Hanifa an-Nu'mon. – Haydarobod: Al-Maorif ash-sharqiya. – 412 b.
 29. Schacht J. (1910) A list of the published Mohamedan inscriptions of India.– Supdt. Govt. Printing.
 30. Schacht J. An Introduction to Islamic Law (1983). – Oxford University Press.
 31. Schacht J. Legacy of Islam (1964). – Oxford University Press; 2nd edition, 1979; Horovitz J. Jewish proper names and derivatives in the Koran. – Olms.
 32. Tahonaviy Zafar Ahmad (1997). Muqaddamat i'loi-sunan. J. 21. – Bayrut: Doru-l-kutub al-ilmiya.
 33. Türkiye Diyanat Vakfı İslâm Ansiklopedisi (1992). – Cilt 6. – İstanbul. – S. 114.
 34. Vahbiy Sulaymon G'ovjiy (1993). Abu Hanifa an-Nu'mon. Imomu al-aimma al-fuqaho. – Dimashq. – 384 b.